

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: info@xs.uz ● 2019 йил 1 июль, № 133 (7363) Душанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Қадрли фарзандларим!

Сиз, азиз ўғил-қизларимни, сизларнинг тимсолингизда бутун халқимизни юртимизда кенг нишонланаётган Ёшлар куни билан чин қалбимдан табриклайман.

Ушбу қутлуғ айёмда барчамиз ёшлик инсон умрининг нақадар гўзал ва беғубор фасли, улкан орзу-умидлар, беқиёс имкониятлар даври эканини янада чуқур ҳис қилиб, сиз, навқирон фарзандларимизга энг эзгу тилакларимизни изҳор этамиз.

Ўтган қисқа даврда жамиятимиз ҳаётидан мустаҳкам ўрин эгаллаган бу байрам **давлатимиз, халқимиз ўз фарзандларининг бахти ва камоли учун ҳеч нарсани аямаслигини, мамлакатимиз ёшлари ҳам Ватанимиз равнақи учун хизмат қилишни ўз ҳаётининг мазмуни деб билишини яққол ифода этмоқда.**

Ҳақиқатан ҳам, ёшларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш юртимизда давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, доимо эътиборимиз марказида бўлиб келмоқда. Буни кейинги икки йилда шу соҳага оид 3 та қонун, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг ўнлаб фармонлари, қарор ва фармойишлари қабул қилингани ҳамда шу асосда улкан ишлар амалга оширилгани ҳам яққол тасдиқлайди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, ҳудудларда эса ҳокимлар раислигида Ёшлар масалалари бўйича идоралараро кенгашлар, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ёшлар масалалари бўйича комиссия ва "Ёшлар клуби" иш бошлади.

Йигит-қизларимизнинг бизнес лойиҳалари учун **"Ёшлар — келажагимиз"** жамғармаси томонидан бугунги кунга қадар 692 миллиард 400 миллион сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилиб, 25 мингга яқин янги иш ўрни яратилгани, республикамиз бўйича 125 та "Ёшлар меҳнат гузари", 19 та "Ёш тадбиркорлар" коворкинг маркази фойдаланишга топширилгани айниқса эътиборлидир.

Юртимизда ташкил этилаётган янги-янги боғчалар, мактаблар, олий ўқув юртлари, нуфузли хорижий университетларнинг филиаллари, маданият ва спорт иншоотлари, "Темурбеклар мактаби", "Президент мактаблари", "Ижод мактаблари" деб ном олган мутлақо янги намунадаги таълим масканлари бугунги глобаллашув шароитида рақобатга қодир бўлган етук кадрларнинг янги авлодини тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Кейинги пайтда умумхалқ ҳаракатига айланиб бораётган беш ижобий ташаббуснинг мазмуни ва аҳамиятини ёшларимиз чуқур тушуниб, уни амалга оширишда фаол иштирок этаётганини биз албатта юксак баҳолаймиз. Бу йўналишда амалга оширилаётган катта қурилиш ва ободончилик ишлари билан бирга, "Ёшлар кутубхонаси" туркумидаги 470 мингта бадиий адабиётлар республикамиздаги барча мактаблар ҳамда Ёшлар иттифоқининг маҳаллий кенгашларига бепул тарқатилгани муҳим аҳамиятга эга.

Ёш авлоднинг спорт билан мунтазам шуғулланиши учун яратилган шароитлар ҳам бугун ўзининг амалий натижасини бермоқда. Бунинг тасдиғини ёш спортчиларимиз халқаро мусобақаларда муваффақиятли қатнашиб, 520 та олтин, 544 та кумуш, 588 та бронза медалига сазовор бўлганида ҳам кўриш мумкин.

Азму шижоатли, навқирон йигит-қизларимизнинг ўз соҳасида, жамоат ишларида эришаётган ютуқларини муносиб рағбатлантиришга давлатимиз томонидан катта аҳамият берилмоқда.

Масалан, ўтган йили ана шундай ватанпарвар, фидойи юзлаб ёшларимиз "Дўстлик" ордени ва "Шуҳрат" медали, Зулфия номидаги Давлат мукофоти, "Келажак бунёдкори" медали, "Ўзбекистон белгиси" кўкрак нишони, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи мукофоти билан тақдирланди. Яна 28 нафар азамат йигитимиз янги таъсис этилган "Мард ўғлон" давлат мукофотига сазовор бўлди. Бугун уларнинг сафларига яна бир гуруҳ фаол ёшларимиз қўшилаётгани барчамизни қувонтиради.

Азиз фарзандларим!

Ёшларимиз ўртасида соғлом турмуш тарзини мустаҳкамлаш, айниқса, уларнинг қарийб 50 фоизини ташкил этадиган қиз болаларни ҳаётга тайёрлаш, уюшмаган ёшлар билан ишлаш, оилавий ажримлар, ўсмирлар орасида жиноятчилик ҳолатларининг олдини олиш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даврида ёшлар жиноятчилиги 2018 йилга нисбатан 37 фоиз камайгани, адашиб хато йўлга кирган, ўз қилмишидан чин дилдан пушаймон бўлган 599 нафар шахс Ёшлар иттифоқи кафиллиги асосида суд залидан озод қилиниб, уларга енгил жазо турлари тайинлангани жамиятимизда кечиримлилик, меҳр-оқибат ва ўзаро ишонч муҳитини кучайтириш йўлидаги янги қадамдир.

Биз ёшларнинг мамлакатимиз ҳаётидаги демократик жараёнларда фаол иштирок этишига, уларнинг сиёсий ва ижтимоий салоҳиятини оширишга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим.

Бу борада ўз сафларида 7 миллион 680 минг аъзони бирлаштирган Ёшлар иттифоқи томонидан жойларда олиб борилаётган ишларни эътироф этган ҳолда, уларни янада кучайтириш зарурлигини таъкидлаш жоиз. Айниқса, бу йил мамлакатимиз парламенти ва маҳаллий Кенгашларга бўладиган сайловларда чуқур билим, қатъий гражданлик позициясига эга бўлган ёшларимиз фаол қатнашиб, вакиллик органларида муносиб ўрин эгалласа, бу нафақат ёш авлоднинг, балки бутун халқимиз манфаатларини таъминлашга катта ҳисса бўлиб қўшилади.

Қадрли ёш дўстларим!

Бугунги нотинч ва таҳликали замонда ёшларнинг онги ва қалбини эгаллашга қаратилган турли хавф-хатарлар тобора кучайиб бораётганини барчангиз яхши биласиз. Уларга қарши курашишда халқимизнинг бой тарихи ва маданияти, буюк аждодларимиз жасорати, жонажон Ўзбекистонимизнинг миллий манфаатлари биз учун куч-қудрат манбаи бўлиб хизмат қилади.

БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида Ўзбекистон томонидан "Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисида"ги конвенцияни ишлаб чиқиш ташаббуси илгари сурилгани **жаҳолатга қарши — маърифат** тамойили асосида олиб бораётган кенг кўламли ишларимизнинг узвий бир қисми бўлиб, у ер юзидаги икки миллиарддан зиёд ёшларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамиятга эгадир.

**Биз Ўзбекистоннинг буюк келажагини барпо этишга маҳкам бел боғлаган эканмиз, бу улуғ ишни эртага эмас, бугун бошлашимиз, бунинг учун аввало навқирон ёшларимизга зарур шароитларни айнан бугун яратиб беришимиз керак.**

Шу муносабат билан сизларни ишонтириб айтмоқчиман: биз ёшларнинг орзу-интилишлари, илғор ғоя ва ташаббусларини рўёбга чиқариш мақсадида бошлаган ишларимизни наинки давом эттирамиз, балки уларни янги, янада юксак босқичга кўтарамиз.

Азиз ўғил-қизларим!

Бугун биз ўз олдимизга қўйган улкан ва масъулиятли вазифалар бутун халқимиз каби сизлардан ҳам ҳар томонлама катта тайёргарлик ва сафарбарликни талаб этмоқда.

Ишончим комил, сизлар замонавий билим ва тараққиёт чўққиларини эгаллаб, ўз амалий ишларингиз, ғайрат-шижоатингиз билан жонажон Ватанимизга муносиб, садоқатли фарзандлар бўласиз.

Сизларни Ёшлар куни билан яна бир бор қутлаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, шахсий ва ижтимоий ҳаётингизда янги ютуқ ва омадлар тилайман.

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

## «МАРД ЎҒЛОН» ДАВЛАТ МУКОФОТИ БИЛАН ТАҚДИРЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларда фаоллик кўрсатиб, ўзининг билим ва иқтидори, интилувчанлиги ва ташаббускорлиги, ҳалол ва самарали меҳнати билан Ватанимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келаётган, юксак маънавиятли, мустақил фикрловчи, қатъий ҳаётий позиция, кенг дунёқараш ва юқори салоҳиятга эга, юрт истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган фидойи ва мард ўғлонларимизни муносиб рағбатлантириш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлдаги «Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги ПФ–5106-сон Фармони ва 2017 йил 21 ноябрдаги «Мард ўғлон» давлат мукофотини таъсис этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3402-сон қарорига асосан:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат мукофотлари ва геральдика бўйича комиссиянинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг иқтидорли йигитларини фан, таълим, тиббиёт, маданият, адабиёт, санъат, спорт, ишлаб чиқариш, ҳарбий хизмат соҳалари ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларидаги фаолиятида эришган алоҳида ютуқлари учун «Мард ўғлон» давлат мукофоти билан тақдирлаш тўғрисидаги таклифлари иловадаги рўйхатга мувофиқ маъқуллансин.

2. «Мард ўғлон» давлат мукофоти билан тақдирланганларга «Ёшлар куни» арафасида ўтказиладиган тантаналарда совриндорлик дипломлари ва кўкрак нишонлари топширилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги «Мард ўғлон» давлат мукофоти совриндорларининг ҳар бирига энг кам ойлик иш ҳақининг 50 баравари миқдорида пул мукофоти берилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва бошқа оммавий ахборот воситаларига «Мард ўғлон» давлат мукофоти соҳибларининг ибратли фаолияти, уларнинг ноёб истеъдоди ва эришган ютуқларини кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари — Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси К. К. Куранбаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2019 йил 28 июнь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 июндаги ПҚ–4367-сон қарорига илова

## «Мард ўғлон» давлат мукофоти билан тақдирланганлар РЎЙХАТИ

**Машарипов Элёр Шомурод ўғли** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг ҳарбий қисм гуруҳ катта офицери (Қорақалпоғистон Республикаси)

**Раджапов Алишер Мухадинович** — Нукус спорт коллежининг 3-босқич ўқувчиси (Қорақалпоғистон Республикаси)

**Позилов Дилхушбек Орифжон ўғли** — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Андижон шаҳар ёнғин хавфсизлиги бўлими ҳарбийлаштирилган қисм бошлиғининг ўринбосари (Андижон вилояти)

**Умаров Ойбек Тулкунжанович** — Андижон машинасозлик институти лаборанти (Андижон вилояти)

**Бафоев Шаҳбоз Шамсиддин ўғли** — «Ватанпарвар» ташкилотининг Ғиждувон автомобиль мактаби авиаракетамодель тўгараги раҳбари (Бухоро вилояти)

**Исмоилов Дониёр Лазизжонович** — Қоракўл туманидаги 1-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернатининг 9-синф ўқувчиси (Бухоро вилояти)

**Батуров Бобо-Усмон Шамсутдин ўғли** — Пахтакор туманидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг бокс бўйича мураббийи (Жиззах вилояти)

**Оканов Сайфиддин Мухиддин ўғли** — Жиззах давлат педагогика институтининг 1-босқич талабаси (Жиззах вилояти)

**Абдураимов Элмурод Абдусаломович** — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг чегара қўшинлари ҳарбий қисм гуруҳ командири (Қашқадарё вилояти)

**Раупов Шарифжон Байрамали ўғли** — «Ҳунарманд» уюшмасининг Ғузор тумани бўлими аъзоси, ҳунарманд-заргар (Қашқадарё вилояти)

**Номозов Давронбек Зокир ўғли** — «Навоий кон-металлургия комбинати» давлат корхонасининг Марказий кон бошқармаси цех муҳандиси (Навоий вилояти)

**(Давоми 2-бетда).**

## Кун воқеалари

### қисқа сатрларда

***Жойларда муаммо ва вазифаларни тезкор ҳал этиш, углеводород хом ашёсини қазиб олишни кўпайтириш, корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолиятини бевосита назорат қилиш дастурининг амалга оширилиши учун "Ўзбекнефтгаз" АЖ бошқаруви Қашқадарё вилоятига кўчирилди.***

*Жиззах Олий ҳарбий авиация билим юртини тамомлаган ёш мутахассисларга вилоят марказидаги Ш. Рашидов хиёбонида лейтенант ҳарбий унвони, диплом ва кўкрак нишонларини топшириш маросими ўтказилди.*

***30 июнь — Ёшлар куни муносабати билан Самарқанд шаҳрида "Ёшлар кутубхонаси" фойдаланишга топширилди.***

*Давлат хавфсизлик хизмати чегара қўшинларининг Сурхондарё вилоятидаги шаҳар ва туман марказларидан олисда жойлашган ҳарбий постларида чегарачиларнинг фарзандлари учун уй боғчалари ташкил этилди.*

***Нукус шаҳрида 17 ёшдан 35 ёшгача бўлган ёшлар ўртасида "Дембермес" ва "Нолиш" қорақалпоқ халқ қўшиқлари ижросига бағишланган республика кўрик-танлови бўлиб ўтди.***

*Навоий давлат педагогика институтида жорий йилдан бошлаб қорақалпоқ тили ва адабиёти бакалавр таълим йўналиши бўйича кундузги бўлимга абитуриентлардан ҳужжатлар қабул қилина бошланди.*

***Андижон машинасозлик институтида "Замонавий илм-фаннинг инновацион ривожланиши" мавзуида республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди.***

**«Халқ сўзи».**

# ГЎЗАЛ ВА БЕҒУБОР ФАСЛ, УЛКАН ОРЗУ-УМИДЛАР, БЕҚИЁС ИМКОНИЯТЛАР ДАВРИ

**Пойтахтимиздаги муҳташам «Humo Arena» муз саройида 30 июнь — Ёшлар куни муносабати билан тантанали тадбир бўлиб ўтди.**



*Ҳарбий оркестр садоларида ёшларга хос жўшқинлик, завқу шавқ, кўтаринкилик мужассам. Давлатимиз байроғини ҳилпиратган йигит-қизлар кўзларида азму шижоат, турфаранг шар ушлаган болакайлар нигоҳларида қувонч ва шодумонлик порлайди...*

Муҳташам сарой байрамона безатилган. Бу ерга Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари, юртимизнинг турли ҳудудларидан келган иқтидорли ёшлар ҳамда уларнинг ота-оналари жам бўлган.

Мамлакатимизда ёш авлод камолотига эътибор мана шу ноёб мажмуада ҳам яққол намоён. Кўп тармоқли мазкур кошона илғор муҳандислик ҳамда бинокорлик ечимлари, техник жиҳозланганлик даражаси билан бетакрор, айни пайтда ўз гўзаллиги, замонавий шароит ва имкониятларида ёшларнинг қизиқишлари, интилишлари, орзу-умидларини ифодалаб турибди. Мазкур сарой нафақат спорт мусобақалари, балки анжуманлар, концертлар ўтказиш учун ҳам мўлжалланган.

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси билан очилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёшларга байрам табригини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева ўқиб эшиттирди.

Табрикда ёшларнинг орзу-интилишлари, илғор ғоя ва ташаббусларини рўёбга чиқариш мақсадида бошланган ишлар нафақат изчил давом эттирилиши, балки янги, янада юксак босқичга кўтарилиши алоҳида таъкидланди.

Юракларда ғурур-ифтихор, кўзларда хуррамлик жўш уради. Гулдурос қарсаклар янграйди...

➡ 2

# ЁШЛАР МАРКАЗИ 5 ТАШАББУС РЎЁБИ ХИЗМАТИДА

***"Азиз қизалоғим, Зилола! Менга тақдим этган гўзал шеъринг ва "Онажонимга совға" номли китобингни катта қизиқиш билан ўқиб чиқдим. Мурғак юрагингда шу юртга дахлдорлик, чинакам ватанпарварлик, чексиз садоқат ва муҳаббат туйғулари жўш уриб турганини ҳис қилиб, жуда мамнун бўлдим".***

*Мазкур жумлалар Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Зангиота туманидаги 35-умумтаълим мактабининг 5-синф ўқувчиси Зилола Шомуродовага йўллаган мактубидан олинган...*

**Ғамхўрлик**

Ёшлар куни муносабати билан Тошкент вилоятининг Нурафшон шаҳрида фаолият бошлаган замонавий Ёшлар марказида ўтказилган илк тадбирда мазкур мактубни Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Х. Султонов ўқиб эшиттирди.

Марказ очилишида Президент маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Қ. Қуронбоев, Президент маслаҳатчисининг ўринбосари Ф. Маҳмудов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси С. Саййид, ёзувчи-шоирлар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ёшлар қатнашди. Сўзга чиққанлар мамлакатимизда эртанги кунимизнинг эгалари, нурли истиқболимизнинг порлоқ умидлари бўлган ёшлар учун катта эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиб, алоҳида Ёшлар куни белгиланганини, бутун халқимиз бу санани жуда катта орзу-умидлар билан тантана қилаётганини таъкидладилар.

➡ 2

## «Мард ўғлон» давлат мукофоти билан тақдирланганлар РЎЙХАТИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

**Ташпўлатов Асатбек Зоҳиджон ўғли** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Навоий академик лицейи 1-босқич ўқувчиси (Навоий вилояти)

**Абдумуталов Муҳаммадсиддиқ Қаҳрамонжон ўғли** — Косонсой туманидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг каратэ бўйича мураббийи (Наманган вилояти)

**Мўминов Темурбек Рустамжон ўғли** — Норин туманидаги «Омадбек бўстони» фермер хўжалиги бошлиғи (Наманган вилояти)

**Рузимуродов Асқар Собир ўғли** — Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртининг 3-босқич курсанти (Самарқанд вилояти)

**Узбеков Лазизхон Хомидхон ўғли** — Самарқанд ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернатининг 3-босқич ўқувчиси (Самарқанд вилояти)

**Баҳромов Нодирбек Олимжон ўғли** — Боёвут туманидаги 30-умумий ўрта таълим мактабининг 11-синф ўқувчиси (Сирдарё вилояти)

**Қурбонов Жавоҳир Абдумалик ўғли** — Сирдарё туманидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг оғир атлетика бўйича мураббийи (Сирдарё вилояти)

**Азизов Шаҳзод Абдуғани ўғли** — Сурхондарё вилояти Ички ишлар бошқармасининг тезкор вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассис-ўқчиси (Сурхондарё вилояти)

**Шербоев Алишер Сафар ўғли** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг ҳарбий қисм мутахассиси (Сурхондарё вилояти)

**Болтаев Бехзодбек Матёқуб ўғли** — Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг 5-босқич талабаси (Тошкент вилояти)

**Холмурзаев Шахбоз Ибрагим ўғли** — Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетининг 4-босқич талабаси (Тошкент вилояти)

**Зокиров Элёржон Анварович** — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ходими (Фарғона вилояти)

**Қаландаров Хасанжон Одилович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг ҳарбий қисм гуруҳ командири (Фарғона вилояти)

**Базарбаев Сардор Уринбоевич** — Ўзбекистон Миллий университетининг 4-босқич талабаси (Хоразм вилояти)

**Мадримов Исраил Модрахимович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг қоровул қўшинлари ходими (Хоразм вилояти)

**Евдокимов Данил Александрович** — Чирчиқ ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернатининг 3-босқич ўқувчиси (Тошкент шаҳри)

**Шопўлатов Шомурод Шорасул ўғли** — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Математика институти таянч докторанти (Тошкент шаҳри)

# ГЎЗАЛ ВА БЕҒУБОР ФАСЛ, УЛКАН ОРЗУ-УМИДЛАР, БЕҚИЁС ИМКОНИЯТЛАР ДАВРИ

1

Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари — Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси Қаҳрамон Қуронбоев ва Тошкент шаҳар ҳокими Жаҳонгир Ортиқхўжаев мамлакатимизда ҳаётга татбиқ этилаётган демократик ислоҳотларда ёшларнинг иштирокини кенгайтириш, уларнинг истеъдоди ва қобилиятини рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитлар яратишга, фаол ҳамда ташаббускор ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини қайд этди.

Дарҳақиқат, Президентимиз давлат раҳбари сифатидаги фаолиятининг илк кунларидаёқ, яъни 2016 йил 14 сентябрда Ўзбекистон Республикасининг "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги Қонунини имзолагани навқирон авлодга юксак меҳр, эътибор ва ғамхўрликнинг ёрқин ифодаси бўлди.

Юртбошимиз 2017 йил 30 июнь куни пойтахтимиздаги муҳташам Симпозиумлар саройида мамлакатимизнинг бир гуруҳ фаол йигит-қизлари билан учрашгани ҳам яна бир тарихий воқеликдир. Ушбу учрашувда Президентимиз ташаббуси билан Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил этилди. Ўтган вақт давомида бу янги тузилма мамлакатда ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини оширишга хизмат қилиб, йигит-қизларнинг таянчига айланиб улгурди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан юртимизда ёшларга ҳарбий таълим-тарбия берадиган курсантлар мактабларининг "Темурбеклар мактаби" деб номланиши ҳам улуғ аждодларимизга бўлган яна бир эҳтиром сифатида барчамизни қувонтирди. Айни пайтда эзгу ният билан ҳалол ва самарали меҳнати, илмий-ижодий ютуқлари, Ватанга садоқатли хизмати билан ўрнак бўлаётган йигитларни рағбатлантириш мақсадида "Мард ўғлон" давлат мукофоти, шу билан бирга, ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда, ўқишда, меҳнатда, жамоат ишларида ҳар томонлама фаол бўлган йигит-қизларни тақдирлаш мақсадида "Келажак бунёдкори" медали таъсис этилди. Бу эса ўзини шу азиз юрт фарзанди деб билган ҳар бир йигит-қизни янада тўлқинлантирди.

...Президентимизнинг 2019 йил 28 июндаги "Мард ўғлон" давлат мукофоти билан тақдирлаш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ тақдирланган ёшлар саҳнага таклиф этилади. Уларга совриндорлик дипломлари ва кўкрак нишонлари тантанали топширилади.

Мазкур нуфузли мукофот мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларда фаоллик кўрсатиб, ўзининг билим ва иқтидори, интилувчанлиги ва ташаббускорлиги, ҳалол ва самарали меҳнати билан Ватанимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келаётган, юксак маънавиятли, мустақил фикрловчи, қатъий ҳаётий позиция, кенг дунёқараш ва юқори салоҳиятга эга, юрт истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган фидойи ва мард ўғлонларимизни муносиб рағбатлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Давлатимиз раҳбари қарорига мувофиқ, жорий йилда 28 нафар мард ўғлон ушбу мукофотга лойиқ кўрилди.



Бўка туманидаги 27-умумталим мактабининг 3-синф ўқувчиси Фазилат Ёқубованинг Президентимиз томонидан илгари сурилган беш муҳим ташаббуснинг ижросига бағишланган шеъри асосида яратилган қўшиқ янграйди. Катта мониторда эртамиз эгалари орзу-умидларини рўёбга чиқариш мақсадида олиб борилаётган қурилиш-бунёдкорлик ишлари, тобора обод бўлаётган таълим масканлари, турфа китоблар, мусиқа асбоблари ва спорт жиҳозларидан иборат "Маърифат карвони" тасвирлари акс этади.

Давлатимиз раҳбарининг юртимизда ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш бўйича илгари сурган беш ташаббуси ёшлар ҳаётини янгича мазмун билан бойитди. Мазкур эзгу ташаббус бугунги кунда мамлакатимиз бўйлаб кенг қулоч ёзиб, умумхалқ ҳаракатига айланиб бормоқда.

— Бу йилги байрам мен учун унутилмас воқеаларга бой бўлди, — дейди Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Математика институти таянч докторанти Шомурод Шопўлатов. — "Мард ўғлон" давлат мукофоти кўксимга тақилди. Давлатимиз раҳбарининг меҳр ва ғамхўрликка йўғрилган табригини тинглаб, хурсандлигимдан тўлқинланиб кетдим. Бундай эъзоздан руҳланган миллионлаб ёшлардан бири сифатида келгусида юртимиз равнақи учун муносиб ҳисса қўшиш йўлида бор билим ва салоҳиятимни ишга соламан.

Ватан олдидаги бурчини шараф билан ўтаётган йигитнинг юрагидан отилиб чиққан бу сўзлар Ўзбекистондаги барча фарзандлар ниятини ифодалаб турибди. Энг муҳими, юртимизда уларнинг мусаффо тилаклари ижобати учун шарт-шароит етарли.

Тадбирда таниқли санъат усталари, ёш хонандалар ижросида концерт дастури намойиш этилди.

Ёшлар куни байрами мамлакатимизнинг барча ҳудудида кенг нишонланди.

**Дилшод КАРИМОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

# ЁШЛАР МАРКАЗИ 5 ТАШАББУС РЎЁБИ ХИЗМАТИДА



ЎзА сурати.

1

Хусусан, бу йилги байрам Тошкент вилояти ёшлари учун ҳам унутилмас лаҳзаларга бой бўлди. Вилоятнинг маъмурий маркази Нурафшон шаҳрида жуда қисқа фурсатларда ўз имкониятлари билан мамлакатимизда ягона бўлган муҳташам Ёшлар маркази барпо этилгани ўғил-қизларни беҳад қувонтирди.

Эътиборлиси, фойдаланишга топширилган марказда Президентимиз томонидан илгари сурилган беш муҳим ташаббусни рўёбга чиқариш учун барча шарт-шароит муҳайё этилган. Бу ерда адабий-бадиий, маданий, спорт, компьютер технологиялари тўгараклари, 10 мингдан ортиқ бадиий китоблардан иборат кутубхона ташкил этилган. Иншоотнинг ўзида бир йўла 100 нафар хотин-қизнинг бандлигини таъминловчи замонавий тикув цехи ҳам фаолият бошлаган. Шунингдек, марказда 350 ўринли фаоллар зали, 3D форматли кинотеатр ҳам ёшлар ихтиёрига берилди. Мазкур мажмуанинг барпо этилиши учун давлатимиз томонидан 22 миллиард сўм маблағ йўналтирилди.

Ёшлар кунида белгиланган тадбирлар доирасида спорт беллашувлари, кўнгилочар маданий тадбирлар, эл ардоғидаги ёзувчи, санъаткорлар билан учрашувлар уюштирилди. Вилоят ҳокими вазифасини бажарувчиси Рустам Холматовнинг ёшлар билан очиқ мулоқоти ҳаяжонли тадбирлардан яна бири сифатида баҳоланди. Унда давлатимиз раҳбарининг қарорига кўра, "Мард ўғлон" давлат мукофоти билан тақдирланган вилоят вакиллари — Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг 5-босқич талабаси Беҳзодбек Болтаев ва Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети 4-босқич талабаси Шаҳбоз Холмурзаевга мазкур мукофотлар тантанали топширилди.

Мулоқот расмий ҳисоботлардан холи, самимий, дилдан суҳбат тарзида кечиб, унда ёшлар ўз фикр-мулоҳазаларини, ютуқ ва камчиликларини рўй-рост гапирдилар.

Ёшлар кунига бағишланган тантаналар санъат усталари ва ижрочи ёшларнинг гала-концерти билан якунланди.

**Раҳматилла ШЕРАЛИЕВ**
**(«Халқ сўзи»).**

## Эътироф

## Ўзбекистонлик олималар Жанубий Кореяда олтин медалга муносиб кўрилди

*Корея Ихтирочи аёллари ассоциацияси (KWIA), Корея Интеллектуал мулк идораси (KIPO) ва Халқаро Интеллектуал мулк ташкилоти (WIPO) томонидан "KIWIE — 2019" — XII Корея халқаро ихтирочи аёллар кўргазмаси ўтказилди.*

Кўргазмада 30 дан зиёд давлатлардан 400 нафардан ортиқ ихтирочи хотин-қизлар техника, технология, тиббиёт, озиқ-овқат, енгил саноат, кимё ва саноатнинг турли йўналишлари бўйича ўз ихтиролари ҳамда инновацион ишланмалари билан қатнашишди.

Ўзбекистон делегацияси аъзоларидан Фанлар академияси Геномика ва биоинформатика маркази катта илмий ходими, кимё фанлари номзоди Хуршида Убайдуллаева марказ олимлари билан ҳамкорликда ген-нокаут технологияси асосида яратилган тезпишар, юқори ҳосилдорликка эга, узун ва сифатли толали, қурғоқчиликка чидамли "Порлоқ-1", "Порлоқ-2" навларига олинган патенти билан қатнашди. Ушбу илмий ишланма халқаро экспертлар томонидан батафсил ўрганилди ва Корея Ихтирочи аёллари ассоциацияси президенти Мюнг-Хе Ён томонидан муносиб баҳоланиб, олтин медаль билан тақдирланди.

Таъкидлаш жоизки, Хуршида Убайдуллаева Геномика ва биоинформатика маркази жамоаси билан биргаликда дунёда биринчилардан бўлиб ген-нокаут технологиясини пахтачиликда қўллади. Натижада пахтачилик соҳаси амалиётида биринчилардан бўлиб, ўрта толали пахтадан юқори сифатли I ва II синфли тола олишга эришилди.

Яратилган ғўза навлари — "Порлоқ-1", "Порлоқ-2", "Порлоқ-3" ва "Порлоқ-4" бир қанча устунликларга эга бўлиши билан бир вақтда, унинг чигитидан ажратиб олинган ёғ инсон ҳаётига мутлақо зарарсиз эканлиги Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Санитария, гигиена ва касалликлар профилактикаси институти илмий ходимлари томонидан текширилиб, тасдиқланди. Бу эса мамлакатимиз озиқ-овқат саноатида янги — сифатли ёғ маҳсулоти пайдо бўлишига олиб келди.

**«Халқ сўзи».**

# ЎН ЙИЛДАН КЕЙИНГИ ТОШКЕНТни ҚАНДАЙ ТАСАВВУР ҚИЛАСИЗ?

*"Аҳолини арзон уй-жойлар билан таъминлаш борасида белгиланган чора-тадбирлар ижроси қай аҳволда?", "Қурилаётган тураржойларнинг сифати нега паст?", "Хорижий инвесторларни жалб қилиш масалалари қандай кечяпти?", "10 йилдан кейинги Тошкентни қандай тасаввур қиласиз?", "Таъмирталаб кўчалар, қувурлар қачон таъмирланади?"...*

## Анжуман

Журналистларни қизиқтирган ана шундай кўплаб саволларга Тошкент шаҳар ҳокими Жаҳонгир Ортиқхўжаев ва унинг ўринбосарлари, тегишли идора ҳамда ташкилотлар мутасаддилари батафсил жавоб қайтаришди. Бунда оммавий ахборот воситалари учун эркин мулоқот ва ўзаро савол-жавоб тарзида ўтказилган матбуот анжумани муҳим майдон вазифасини ўтади.

Бугун Президентимиз ташаббуси билан бутун республикамизда, хусусан, Тошкент шаҳрида ҳам улкан бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда. Айниқса, Сергели ва бошқа туманларда кўплаб арзон уй-жойларнинг қурилаётгани одамларни рози қилишга қаратилган эзгу ташаббуслардан биридир. Бунда Президентимизнинг "2017 — 2020 йилларда шаҳарларда арзон кўп квартирали уйларни қуриш ва реконструкция қилиш дастурини самарали амалга ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"-ги қарори, шунингдек, аҳолини арзон уй-жойлар билан таъминлаш борасида белгиланган чора-тадбирлар муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Жорий йилда аҳоли талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб, жами 15972 та хонадонли 350 та кўп қаватли уйлар қурилиши режалаштирилган. Шундан аксарияти Сергели тумани ҳиссасига тўғри келади. Ҳудудда оилаларнинг кўчиб бориши билан, табиийки, аҳоли сони ортади ва қўшимча мактаб, боғча сингари ижтимоий объектлар қурилишини талаб қилади.

Хўш, бу масалаларга ҳам эътибор қаратиляптими?

— Масаланинг ушбу томонларини инобатга олиб, янги қурилаётган уйлар атрофида қўшимча 4 та мактабгача таълим муассасаси ва яна шунча умумтаълим мактаблари қурилмоқда, — дейди Тошкент шаҳар ҳокими Ж. Ортиқхўжаев. — Қолаверса, қўшимча ишлаб чиқариш объектлари, клиникалар ҳам барпо этилади. Бу ишларимиз кўчиб келаётган оилалар, уларнинг фарзандлари учун айни муддао бўлади.

Энди сўзимиз аввалида келтирилган айрим саволларнинг жавобларига, шунингдек, анжуман давомида кўтарилган баъзи муаммоларга ҳам тўхталиб ўтсак. Хусусан, Луфтий, Фарҳод кўчалари, эски трамвай йўллари ўрнини таъмирлаш ишлари ниҳоясига етказилмаганига урғу берилди.

— Мазкур кўчаларни таъмирлаш ишлари босқичма-босқич амалга оширилмоқда, — дейди ҳокимнинг архитектура, капитал қурилиш ва коммуникациялар бўйича биринчи ўринбосари Даврон Ҳидоятов. — Бугунги кунда Учтепадаги таъмирталаб кўчаларни таъмирлаш учун Давлат бюджетидан 50 млрд. сўм маблағ ажратилган. Бу масала ечимида қўл келади.

Маълумотларга кўра, жорий йилнинг ўтган даврида 308 минг квадрат метр узунликдаги йўллар таъмирланган. Йил охирига қадар 1 млн. 809 минг квадрат метр узунликдаги йўлларни таъмирлаш режалаштирилган. Қолаверса, Лутфий кўчасидаги эскирган 300 метрга яқин қувурларни



янгисига алмаштириш ишлари давом этмоқда.

Хорижлик инвесторларни жалб қилиш масаласи ҳам таҳлил қилинди. Ҳоким ўринбосари Шароф Раҳмоновнинг маълум қилишича, шу йилнинг ўтган 6 ойи давомида 1,5 млрд. АҚШ долларилик лойиҳалар татбиқ этилди. Бу кўрсаткични йил якунигача 2,7 млрд. сўмга етказиш кўзда тутилган. Пойтахтга келиб ўз бизнесини амалга оширишни истаган хорижлик инвесторлар сони эса кун сайин кўпаймоқда.

"10 йилдан кейинги Тошкентни қандай тасаввур қиласиз?" деган саволга Тошкент шаҳар ҳокими Ж. Ортиқхўжаев қуйидагича жавоб берди:

— Тошкент шаҳрини ҳар томонлама ривожлантириш, намунали шаҳарга айлантириш учун олдимизга қўйган мақсадларимиз, истиқболли режаларимиз бор. Бунда ишни қандай ташкил этишимизга боғлиқ. Ҳокимликда ягона тизим ишлаб чиқилиши керак. Бу тизим билан ишлаш ҳар қандай ҳоким учун қулай бўлсин. Қолаверса, боғча, мактаб, таълим муассасалари фаолиятига, уларни ривожлантиришга кўпроқ урғу беришимиз лозим. Туризмни ривожлантириш, турли тармоқларда инновацион технологияларни татбиқ этиш ҳам муҳим. Умуман, Тошкент — ҳар томонлама "ақлли" шаҳар бўлиши зарур.

Анжуманда, шунингдек, уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва бошқарув компаниялари фаолиятини яхшилаш, кўп қаватли уйларнинг том қисмини, ичимлик ва оқова сув тизимлари ҳамда иссиқлик қувурларини таъмирлаш, кам таъминланган оилаларга имтиёзли ипотека кредитлари ажратиш каби масалалар бўйича ҳам маълумотлар берилди. Якунда пойтахтимизда амалга оширилаётган барча ислоҳотларни, бунёдкорлик ва ободонлаштириш жараёнларини, шунингдек, аҳолини қийнаётган долзарб муаммоларни ҳаққоний ва холис ёритишда Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан мустаҳкам ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича келишиб олинди.

**Раҳим ШЕРҚУЛОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# ҚОРАКЎЛ ҚЎЙЛАРИНИНГ БОТСВАНАГА ЭКСПОРТИ

*Африканинг Ботсвана мамлакати чорвачиликнинг қоракўлчилик тармоғини ривожлантириш борасида Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилмоқчи. Шу мақсадда мазкур давлат ҳукумати ҳамда чорвадорларидан иборат делегация юртимизга ташриф буюриб, мамлакатимизда мазкур соҳада тўпланган бой тажриба билан яқиндан танишдилар.*

## Ҳамкорлик

Ботсваналиклар қоракўл қўйларини кўпайтириш учун айнан Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилаётгани бежиз эмас. Чунки халқ селекцияси маҳсули бўлган қўйнинг ушбу зоти бизнинг заминда яратилган. Тарихий маълумотларда келтирилишича, қоракўл қўйлари саккизинчи асрда араб қўй зотлари билан чатиштириш натижасида юзага келган ва кейинчалик у бошқа ҳудудларга тарқалган.

> **Дарҳақиқат, бугунги кунда дунёнинг 190 мамлакатида қўй боқилса, шундан 16 тасида қоракўл зотлари парваришланади. Гарчи бугун қоракўл тери етиштириш бўйича Намибия ва Афғонистон дунёда етакчилар сафида бўлса-да, ноёб мўйна берадиган қоракўл зотнинг асосий генофонди Ўзбекистонда сақланиб қолингани эътироф этилади. Бу эса бизнинг энг катта ютуғимиздир.**

— Қоракўл қўй зотлари чўл шароитига мослашган бўлиб, озуқасининг 86 фоизини яйловдан ўзи топиб ейди, — дейди Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси Бахром Норқобилов. — Тўққиз фоизини дағал хашак, қолган 5 фоизини эса кучли озуқалар ташкил этади. Ана шу жиҳат хорижлик мутахассисларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Наслчиликда олиб борилаётган илмий-тадқиқотлар, эришилаётган ютуқлар ҳам чет эллик мутахассислар диққат марказида бўлди. Қўйларнинг ёши, жинси, ранги ва наслига қараб ажратилиб, отар усулида боқиш йўлга қўйилгани, наслли қўчқорлар аукциони мунтазам йўлга қўйилганини, айниқса, юқори баҳоладилар.

— Биз ташрифимиз давомида Ўзбекистоннинг қоракўлчилик марказлари ҳисобланмиш Бухоро ва Самарқандда бўлиб, ўзбек қоракўлчилик мактаби тажрибасини атрофлича ўргандик, — дейди Ботсвана Озиқ-овқат хавфсизлиги ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш вазирлиги котиби ўринбосари, делегация раҳбари Жон Кассиус Мореки. — Олимлар, фермерлар билан суҳбатлашдик. Чўпонлар фаолияти билан танишиб, улар қоракўлчиликда олимлардан кам билимга эга эмаслигига гувоҳ бўлдик. Юртингиз мутахассислари чорвачиликни ривожлантириш борасида бизга яқиндан кўмак беришга тайёр эканлигидан жуда хурсанд бўлдик. Мамлакатимизга қайтгач, бу ердан олган хулосаларимизни Ботсвана ҳукуматига етказамиз ва тез орада икки томон учун манфаатли бўлган ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишга ишонамиз.

Ботсвана давлати делегациясининг юртимизга ташрифи якунлари бўйича Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасида бўлиб ўтган учрашувда томонлар истиқболдаги ҳамкорлик йўналишларини муҳокама қилдилар. Ўзбекистондан наслли қўчқорлар ва совлиқлар сотиб олиш, наслчиликни яхшилаш ва яйлов ўсимликларини кўпайтириш борасида ҳамкорликда илмий-тадқиқотлар олиб бориш, ўзаро тажриба алмашиш юзасидан дастлабки келишувга эришилди.

**Саид РАҲМОНОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

## Янгилик

# ЖИЗЗАХДА ИННОВАЦИОН КУТУБХОНА ИШ БОШЛАДИ

*Жиззах политехника институтида "Электрон-инновацион кутубхона" ташкил этилди.*

Ушбу инновацион тизимга институт кутубхонасидаги китобларнинг электрон нусхалари киритилган. Эндиликда талаба-ўқувчилар бир вақтнинг ўзида ҳам электрон китоб билан танишишлари, ҳам мазкур китобларнинг аудио ёзувларини эшитишлари мумкин. "Электрон-инновацион кутубхона" тизимидан фойдаланиш учун талабаларга махсус кутубхона баннерлари тайёрланди.

Кутубхона баннерларида адабиётлар ва дарсликларнинг номи ҳамда уни онлайн базадан топиш имконини берувчи QR код жойлаштирилди. "QR book" инновацион кутубхона лойиҳасининг амалга оширилиши натижасида QR код орқали китобларни интернет ресурсларидан тез ва осон топиш имконияти пайдо бўлди.

**«Халқ сўзи».**

## Интилиш

# КАРМАНАДА ҚУЁНЧИЛИК КЛАСТЕРИ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

*Тадбиркор Бахтиёр Қобулов 2016 йилда Италиядан 114 бош наслли қуённи Карманага келтириб, "Қўрғон дала агрофирма" масъулияти чекланган жамиятига асос солган эди.*

— 2017 йилдаёқ қуёнларимизнинг саноғидан адашиб кетадиган бўлдик, — дейди ишбилармон. — 2018 йилда 17 минг бош, жорий йил бошидан буён эса 11 минг бош "Оқ великан" зотли қуённи аҳолига, жумладан, қўшни вилоятлар аҳолисига ҳам етказиб бердик. Келгусида бу ҳамкорликни кластер усулида йўлга қўямиз. Улардан маҳсулотни ҳам қабул қилиб оламиз.

Корхонада бугун 40 нафар ишчи-ходим фаолият кўрсатяпти. Кластер иш бошлагач, уларнинг сони 70 нафарга кўпаяди.

Масъулияти чекланган жамият жорий йилнинг ўтган беш ойида 18 тонна қуён гўштини истеъмолчиларга етказиб берди.

**Темур ЭШБОЕВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# ТУРИЗМ РАВНАҚИГА ҚАРАТИЛГАН ЛОЙИҲАЛАР

## Уларнинг ижросида жамоат ташкилотларининг иштироки қандай?

*Яқин олти йил ичида Ўзбекистон ялпи ички маҳсулотида туризмнинг улушини 2,3 фоиздан 5 фоизга, ташриф буюрувчи хорижий туристларни эса 9-10 миллион нафарга етказиш кўзда тутилмоқда. Шунингдек, маҳаллий туристлар сонини ҳам деярли икки баравар ошириб, 25 миллион нафарга олиб чиқиш белгиланган.*



### Фармон ва ижро

Дарҳақиқат, иқтисодиётнинг стратегик тармоғи мақоми берилган мазкур соҳада мақсадлар улкан, режалар ҳам бисёр. Аммо бундай натижага қандай эришилади? Албатта, юртимизнинг мавжуд сайёҳлик салоҳиятидан самарали фойдаланиш орқали. Бу жараёнда ҳали ишга солинмаган нодавлат нотижорат ташкилотлари (ННТ)нинг кўмаги янги имкониятларни очиб бериши, шубҳасиз. Бинобарин, дунё тажрибасидан аёнки, давлат органлари ўз вазифаларининг бир қисмини ННТга босқичма-босқич ўтказиб бормоқда. Натижада жаҳонда ННТ сонининг муттасил ошиш тенденцияси кузатилмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда айнан туризм соҳасида фаолият кўрсатаётган ННТ фаолиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани диққатга сазовор. Хусусан, Президентимизнинг 2019 йил 5 январдаги "Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ҳамда 2018 йил 7 февралдаги "Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасида Жамоат ташкилотлари ва чет элдаги ватандошлар билан ишлаш бошқармаси ташкил этилди. Унинг асосий вазифалари сифатида ННТ билан ижтимоий шериклик муносабатларини йўлга қўйиш, чет элдаги турдош ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашга кўмаклашиш белгиланди.

Шундан келиб чиқиб, дастлаб Ўзбекистон Ошпазлар уюшмаси, Аэронавтика федерацияси, География жамияти, Экстремал ва тоғ туризми федерацияси, Хусусий туристик ташкилотлари ассоциацияси ҳамда бошқа шу каби жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилди. Айни пайтда уларнинг туризм равнақига қаратилган лойиҳалари қўмита томонидан қўллаб-қувватланмоқда. 2018 йилда тўртта ННТга жами 1 миллиард 580 миллион 200 минг сўм миқдорида пул маблағлари ажратилгани, жорий йилда эса бу кўрсаткични 2 миллиард сўмга етказиш режалаштирилгани бунга мисол бўла олади.

Қувонарлиси, бу каби амалий саъй-ҳаракатлар туфайли давлатнинг туризм соҳасида бир қатор функциялари босқичма-босқич ННТга ўтказилиши белгиланган бўлиб, бу борада ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, туристларга хизмат кўрсатиш сифатини оширишга қаратилган "Меҳмоннавозлик мактаби" лойиҳаси доирасида 150 дан ортиқ ходимларнинг малакаси оширилди. Бундан ташқари, "Ўзбекча нонушта" кенг оммалаштирилмоқда, спортнинг экстремал турлари бўлмиш аэронавтикани (ҳаво шарларида парвоз қилиш) ривожлантиришда жамоат ташкилотлари роли кучайтирилмоқда. Бу ҳақда гап кетганда, Ўзбекистон Аэронавтика федерацияси лойиҳаси доирасида Тошкент, Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида 325 марта аэростатлар (ҳаво шарлари) парвози амалга оширилганини, уларда 2100 дан зиёд кишилар иштирок этганини айтиш жоиз.

Жорий йилда сайёҳлик жабҳасидаги жамоат ташкилотлари янгидан ташкил этилган иккита ассоциацияси ҳисобига янада кенгайди. Шу боис 2019 йилнинг ўзида ННТ фаолиятини институционал қўллаб-қувватлаш орқали катта натижаларга эришиш кутилмоқда. Жумладан, хорижнинг етакчи меҳмонхона ва ресторанлар вакилларини кенг жалб қилган ҳолда, турли ўқув машғулотларини ўтказиш, гидларнинг ўзаро тажриба алмашинув имкониятини яратиш, АҚШ, Германия, Индонезия, Жанубий Корея, Россия, Саудия Арабистони, Туркия, Хитой, Япония каби давлатларнинг туризм соҳасидаги хусусий ҳамда жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш, улар кўмагида сайёҳлар оқимини ошириш бўйича "Open air" халқаро фестивали, "Silk Road Air" халқаро мусобақаси ва бошқа тадбирларни ўтказиш шулар сирасига киради.

Бу каби жозибали лойиҳалар ижросида жорий йилда Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан туризм соҳасидаги жамоат ташкилотларига давлат ижтимоий буюртмаларини тақдим этиш учун жами 400 миллион сўм маблағ ажратилгани қўл келмоқда.

Гап шундаки, мазкур буюртмани амалга ошириш орқали Ўзбекистоннинг туризм салоҳиятини юксалтириш, тарихий-маданий меросни кенг тарғиб қилиш, аҳолини ички туризмга жалб этишга йўналтирилган "Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!", "Мен Ватанимни севаман", "Биз оилавий саёҳатчилармиз" каби шиорлар остида фестиваллар ва бошқа йирик тадбирларни уюштириш, шунингдек, мамлакатдаги 14 ҳудуднинг ҳар бири учун ўзига хос жиҳатларни тасвирловчи туризм маҳсулотларини яратишга қаратилган танлов ташкил этилмоқда.

Шу билан бирга, туризм соҳасидаги жамоат ташкилотлари хорижий турдош ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишлари, ўзаро тажриба алмашишлари, энг асосийси, қўшма лойиҳаларни амалга оширишга кўмаклашиш мақсадида қўмита томонидан мулоқот майдони яратилмоқда. Хусусан, Туркиядаги сайёҳликка ихтисослаштирилган ташкилотларнинг тажрибаларини қўллаш бўйича музокаралар олиб борилмоқда. Томонлар ўртасида сайёҳлик кўргазмалари, "B2B" форматидаги учрашувлар, меҳмон уйлари, экотуризмни ривожлантириш бўйича семинарлар ташкил этиш юзасидан келишувларга эришиш кутилмоқда.

Бинобарин, туризмга жамоат ташкилотларининг кенг жалб қилиниши сайёҳлик йўналишларини кўпайтириш ва оммалаштиришга катта ҳисса бўлиб қўшилади. Шундай экан, ушбу жабҳага қўшимча сармоялар йўналтириб, инвестициявий салоҳиятни кучайтириш, янги иш ўринларини яратишда жамоат ташкилотларининг ролини ошириш долзарб аҳамият касб этаверади.

**Ўткир САИДОВ,**
**Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси бошқарма бошлиғи.**

## АКТ янгиликлари

*Пойтахтимизда "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси томонидан телекоммуникация хизматлари сифатини ошириш бўйича олиб борилаётган ишлар муҳокамасига бағишланган брифинг бўлиб ўтди.*

### Телекоммуникация соҳасидаги навбатдаги хизмат турлари

Унда "Ўзбектелеком" АК ҳамкорларига Wi-Fi тармоқлари фойдаланувчиларини идентификациялаш ва авторизациялаш учун янги хизмат турини таклиф этди. Яъни ушбу хизмат SMS-хабарлар авторизацияси тизимини ва брендланган саҳифаларни ўз логотипи билан лойиҳалаштириш имконини кўзда тутади.

Шунингдек, яқин вақт мобайнида корхоналарнинг рақамли фаоллигини ҳимоя қилиш, уларга рақамли муҳитда хавфсиз ишлашда ёрдам берадиган юқори технологик, сифатли ҳимоя воситалари жорий этилиши ҳақида ҳам сўзлаб берилди.

### IT-мактаби битирувчиларига шаҳодатномалар топширилди

*Тошкент шаҳридаги Инҳа университетида Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ахборот-коммуникация технологиялари йўналишига оид фанларни чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактаб битирувчиларига шаҳодатномалар топширилди.*

Маросим доирасида "Муҳаммад ал-Хоразмий издошлари" республика танловида юқори натижаларга эришган 10 нафар ўқувчи Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг сертификат ҳамда совғалари билан тақдирланди.

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ахборот-коммуникация технологиялари йўналишига оид фанларни чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактаб давлатимиз раҳбарининг қарори асосида ташкил этилган. Жорий йилда жами 23 нафар 11-синф битирувчисининг 13 нафари муддатидан олдин юртимиздаги халқаро олий ўқув юртлари талабалари бўлишди. Жумладан, 9 нафар ўқувчи Тошкент шаҳридаги Инҳа университетига, 4 нафари эса Тошкент халқаро Вестминстер университетига қабул қилинди.

### Робототехника бўйича тренинг

*Жанубий Кореянинг Миллий ахборот жамияти агентлиги ҳамда ТАТУ ўртасида имзоланган меморандум асосида Сонгюнгван университетининг 14 нафар талаба ва 3 нафар профессор-ўқитувчисидан иборат кўнгиллилар делегацияси ТАТУ ҳамда унинг Самарқанд, Қарши филиаллари талабалари учун "АКТ соҳасида дастурий таъминотлар" мавзуида ўқув-тренинг курслари ташкил қилиш учун юртимизга келди.*

24 июлгача давом этадиган тадбир жараёнида ТАТУ талабалари ўртасида сайёҳлар учун мобиль иловалар яратиш, Жава дастурлаш тили, андроид операцион тизими, Ардуино (унчалик катта бўлмаган плата бўлиб, ўзининг процессори ва хотирасига эга қурилма) ёрдамида робототехника қурилмаларини яратиш мавзуларида ўқув-тренинг машғулотлари олиб борилади.

Шунингдек, меҳмонлар мамлакатимизнинг диққатга сазовор жойлари билан ҳам танишадилар.

**«Халқ сўзи».**

# ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТЛАРИ ФАОЛИЯТИ ТАНҚИДИЙ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

*Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясида илм-фан соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳолатини ўрганиш натижасида аниқланган камчиликлар, айрим илмий-тадқиқот муассасаларининг моддий-техника базаси, илмий салоҳияти билан боғлиқ муаммоларга бағишланган анжуман бўлиб ўтди.*

### Тадбир

Унда Фанлар академияси қошидаги Ядро физикаси, Астрономия, Микробиология, Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси, Математика, Физика-техника, Санъатшунослик институтлари ҳамда Алишер Навоий номидаги давлат адабиёт музейи фаолияти танқидий муҳокама қилинди. Хусусан, ушбу илмий-тадқиқот муассасаларининг бинолари узоқ йиллардан бери таъмирланмагани, лаборатория жиҳозлари маънан ҳамда жисмонан эскиргани, реагент ва бутловчи қисмларнинг йўқлиги, муассасалар ходимларининг фаолият юритишлари учун зарур шароитлар яратилмагани қайд этилди.

— Илмий-тадқиқот институтларининг фаолияти ижобий томонга ўзгаришида молиявий менежерлар фаолияти катта аҳамиятга эга, — деди Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Азиз Абдуҳакимов. — Олимларимизнинг тадқиқотларини, илмий изланишларини тижоратлаштириш — бугунги кун талаби. Юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида илм-фан соҳаси вакилларига алоҳида эътибор қаратилаётган бир пайтда илмий-тадқиқот муассасаларининг эски қолипда ишлашини ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди.

Дарҳақиқат, юқорида санаб ўтилган институтларда турли сабабларга кўра илмий муассасанинг маъмурий-ташкилий ишларини олиб боришда қатор камчиликларга йўл қўйилган. Илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг ўртасида катта тафовут юзага келиб, олимларнинг тадқиқотлари натижалари даромад манбаи бўлмай қолган.

Мана шу камчиликларни тезроқ бартараф этиш, муаммоларни атрофлича ҳал қилиш мақсадида ҳар бир институт раҳбари ўз муассасаси фаолиятини ўнглаш бўйича таклифлар тақдим этиши ҳамда мазкур муаммоларнинг юзага келиши бўйича тушунтириш беришига келишилди.

Шунингдек, ҳар бир илмий муассасанинг веб-сайтини ташкил этиш учун маълум миқдорда алоҳида маблағ ажратилиши лозимлиги таъкидланди. Илмий муассасаларнинг электрон ахборот тизимини ривожлантириш орқали аҳоли қатламлари орасида илм-фанни тарғиб қилиш, хорижий ҳамкорлар билан алоқалар ўрнатиш, халқаро грант ва танловларда иштирок этиш имкониятлари ошиши алоҳида айтиб ўтилди.

**«Халқ сўзи».**

ЭЪЛОНЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ ҲУЗУРИДАГИ
МАЖБУРИЙ ИЖРО БЮРОСИНИНГ
«ЭЛЕКТРОН ОНЛАЙН-АУКЦИОНЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАРКАЗИ» ДУК
онлайн-аукцион савдосига таклиф қилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг «Республика инкассация хизмати» давлат унитар корхонасининг Жиззах вилояти бошқармаси билан 2018 йил 30 ноябрда тузилган 268/2018-03-сонли шартномага асосан **https://www.e-auksion.uz** электрон манзилдаги электрон савдо майдончасида **2019 йил 31 июль** куни ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига «Республика инкассация хизмати» ДУК Жиззах вилояти бошқармасининг қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилган:

| Т/р | Автотранспорт русуми | Ишлаб чиқарилган йили | Давлат рақами | Лот рақами |
|---|---|---|---|---|
| 1. | «УАЗ 3151210» | 1996 й. | 25 135 ВАА | 0040650 |
| 2. | «УАЗ 31514010» | 1996 й. | 25 592 GAA | 0040661 |
| 3. | «УАЗ 31514» | 1996 й. | 25 124 ВАА | 0040659 |
| 4. | «УАЗ 31514» | 1996 й. | 25 597 GAA | 0040657 |
| 5. | «УАЗ 31514» | 1997 й. | 25 593 GAA | 0040656 |
| 6. | «УАЗ 31512» | 1997 й. | 25 137 ВАА | 0040651 |
| 7. | «УАЗ 31514» | 1997 й. | 25 125 ВАА | 0040662 |
| 8. | «УАЗ 31514» | 2001 й. | 25 140 ВАА | 0040654 |
| 9. | «УАЗ 31514» | 2001 й. | 25 139 ВАА | 0040652 |
| 10. | «УАЗ 315142-017» | 2003 й. | 25 143 ВАА | 0040658 |

**Автотранспортлар сақланаётган манзил:**
**Жиззах вилояти, Жиззах шаҳри, О. Азимов кўчаси, «Республика инкассация хизмати» ДУК Жиззах вилояти бошқармаси автогаражи.**

***Талабгорлар диққатига!***

Аукцион савдосида иштирок этиш — **«E-IJRO AUKSION»** ягона электрон савдо майдончаси ахборот тизимида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтиш йўли билан амалга оширилади.

519J/355

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ ҲУЗУРИДАГИ
МАЖБУРИЙ ИЖРО БЮРОСИНИНГ
«ЭЛЕКТРОН ОНЛАЙН-АУКЦИОНЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАРКАЗИ» ДУК
онлайн-аукцион савдосига таклиф этади

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг «Республика инкассация хизмати» давлат унитар корхонасининг Самарқанд вилояти бошқармаси билан 2018 йил 30 ноябрда тузилган 262/2018-02-сонли шартномага асосан **https://www.e-auksion.uz** электрон манзилидаги электрон савдо майдончасида **2019 йил 31 июль** куни ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига «Республика инкассация хизмати» ДУК Самарқанд вилояти бошқармасининг қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилган:

| Т/р | Автотранспорт русуми | Ишлаб чиқарилган йили | Давлат рақами | Лот рақами | Аризалар қабул қилишнинг якунланиши | Аукцион ўтказиш вақти |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. | «УАЗ 31512» | 1989 | 30 460 GAA | № 0085638 | 29.07.2019 | 31.07.2019 |
| 2. | «УАЗ 31512» | 1989 | 30 518 GAA | № 0085637 | 29.07.2019 | 31.07.2019 |
| 3. | «УАЗ 3151» | 1993 | 30 526 GAA | № 0085639 | 29.07.2019 | 31.07.2019 |
| 4. | «УАЗ 3151210» | 1996 | 30 504 GAA | № 0085640 | 29.07.2019 | 31.07.2019 |
| 5. | «УАЗ 31514» | 1996 | 30 892 RAA | № 0085642 | 29.07.2019 | 31.07.2019 |
| 6. | «УАЗ 31514» | 1996 | 30 506 GAA | № 0085641 | 29.07.2019 | 31.07.2019 |
| 7. | «RECER» | 1995 | 30 517 GAA | № 0085636 | 29.07.2019 | 31.07.2019 |
| 8. | «УАЗ 452» | 1986 | 30 463 GAA | № 0085646 | 29.07.2019 | 31.07.2019 |
| 9. | «УАЗ 452» | 1988 | 30 512 GAA | № 0085645 | 29.07.2019 | 31.07.2019 |
| 10. | «УАЗ 31512» | 1990 | 30 476 GAA | № 0085647 | 29.07.2019 | 31.07.2019 |
| 11. | «УАЗ 31512» | 1996 | 30 495 GAA | № 0085648 | 29.07.2019 | 31.07.2019 |
| 12. | «УАЗ 31512» | 1996 | 30 513 GAA | № 0085641 | 29.07.2019 | 31.07.2019 |
| 13. | «УАЗ 3909» | 1998 | 30 483 GAA | № 0085644 | 29.07.2019 | 31.07.2019 |
| 14. | «Nexia» | 2007 | 30 083 TAA | № 0085666 | 29.07.2019 | 31.07.2019 |
| 15. | «Volkswagen» | 1997 | 30 481 GAA | № 0085653 | 29.07.2019 | 31.07.2019 |
| 16. | «УАЗ 452» | 1985 | 30 470 GAA | № 0085649 | 29.07.2019 | 31.07.2019 |

**Автотранспорт воситалари сақланаётган манзил:**
**Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳри, М. Раджабов кўчаси, 22-уй.**

***Талабгорлар диққатига!***

Аукцион савдосида иштирок этиш — **«E-IJRO AUKSION»** ягона электрон савдо майдончаси ахборот тизимида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтиш йўли билан амалга оширилади.

521J/354

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ ҲУЗУРИДАГИ
МАЖБУРИЙ ИЖРО БЮРОСИНИНГ
«ЭЛЕКТРОН ОНЛАЙН-АУКЦИОНЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАРКАЗИ» ДУК
онлайн-аукцион савдосига таклиф қилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг «Республика инкассация хизмати» давлат унитар корхонасининг Қашқадарё вилояти бошқармаси билан 2018 йил 30 ноябрда тузилган 267/2018-13-сонли шартномага асосан **http://www.auksion.uz** электрон манзилидаги электрон савдо майдончасида **2019 йил 30 июлда** ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига «Республика инкассация хизмати» ДУК Қашқадарё вилояти бошқармасининг қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилган:

| Т/р | Автотранспорт русуми | Ишлаб чиқарилган йили | Давлат рақами | Лот рақами |
|---|---|---|---|---|
| 1. | «УАЗ 31514» | 1996 й. | 70 908 ZAA | 0086203 |
| 2. | «УАЗ 3151210» | 1996 й. | 70 131 GAA | 0086204 |
| 3. | «УАЗ 3151210» | 1996 й. | 70 689 YAA | 0086205 |
| 4. | «УАЗ 3151210» | 1996 й. | 70 112 GAA | 0086206 |
| 5. | «УАЗ 31512» | 1996 й. | 70 116 GAA | 0086207 |
| 6. | «УАЗ 3152» | 1993 й. | 70 108 GAA | 0086208 |
| 7. | «УАЗ 31514012» | 1997 й. | 70 092 GAA | 0086209 |
| 8. | «УАЗ 31512» | 1993 й. | 70 160 GAA | 0086210 |
| 9. | «УАЗ 3151410» | 1996 й. | 70 145 GAA | 0086211 |

**Автотранспорт воситалари сақланаётган манзил:**
**Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 3-уй.**

***Талабгорлар диққатига!***

Аукцион савдосида иштирок этиш — **«E-IJRO AUKSION»** ягона электрон савдо майдончаси ахборот тизимида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтиш йўли билан амалга оширилади.

520J/354

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки "Давлат Белгиси" давлат ишлаб чиқариш бирлашмасининг Бош директори Бахтиёр Жалилович Жумаевга отаси

**Жалил ЖУМАЕВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
71-232-10-63,
71-232-11-15.
E-mail: reklamaxs@mail.ru
reklama@xs.uz
02

# ЖИСМОНИЙ ВА МАЪНАВИЙ ЕТУК ЁШЛАР — ЭЗГУ МАҚСАДЛАРИМИЗГА ЕТИШДА ТАЯНЧИМИЗ ВА СУЯНЧИМИЗДИР

*Мана шу қувончли кунда сизларни, кўп миллатли Ўзбекистон халқини ишонтириб айтмоқчиман: биз ёшларга доир давлат сиёсатини ҳеч оғишмасдан, қатъият билан давом эттирамиз. Нафақат давом эттирамиз, балки бу сиёсатни устувор вазифа сифатида бугун давр талаб қилаётган юксак даражага кўтарамиз. Сизларнинг замонавий билим ва касб-ҳунарларни эгаллаб, ҳаётда ўз мустаҳкам ўрнингизни топишингиз, бахтли бўлишингиз учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз.*

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**



**Даъват**

## Истиқболин ярат Ватаннинг!

*Пешонангда тақдир имлоси,*
*Кўзларингда минг йиллик сурур.*
*Юзларингда тонглар иншоси —*
*Буюк миллат ўстирган ғурур.*

*Силсилалар оша кўргайсен,*
*Ал-Хоразмий етишган бахтни.*
*Илминг билан ёшартиргин сен,*
*Боболаринг қаритган вақтни.*

*Ал-Беруний сендай эрта-кеч,*
*Сабоқларин уққандир бутун.*
*Узаймаган, камаймаган ҳеч,*
*Йигирма тўрт соатдир — кун-тун.*

*Улуғбекка ҳайратда боққан,*
*Юлдуз ҳамон чорлайди — титроқ.*
*Қўлларингда қуёшда балққан,*
*Озод Ватан тутқазган байроқ.*

*Навоийнинг бил — танглайини*
*Кўтаргандир "Мантиқ ут-тайр".*
*Илм уммонига тут манглайингни —*
*Бир кун дунё қолгайдир қойил!*

*Беш тамойил — йўлланма, йўриқ,*
*Кўрсатгандир Йўлбошчим ўзи.*
*Чорлаётир келажак ёруғ,*
*Сен юртимнинг йўл кўрар кўзи.*

*Китобни дўст айлагин, билсанг,*
*Калитидир илм ила фаннинг.*
*Буюк миллат фарзанди бўлсанг,*
*Истиқболин ярат Ватаннинг!*

**Одил ҲОТАМ.**
Навоий вилояти





## Тезроқ катта бўлишни истайман

*Устозим давлатимиз раҳбарининг қишлоғимизга келиши, бизга яратиб берган шароитлар жуда катта воқеа, дедилар. Биз билан бўлган суҳбат, шеър ўқиганимни энди ҳеч ким эсдан чиқармаслигини, буларнинг барчасини катта бўлганимда англаб олишимни ҳаяжон билан айтдилар.*

**Ҳаяжон**

Нега тушунмас эканман? Беш ташаббусни билмайманми? Биламан. Президентимиз болалар санъатга ошно бўлсин, спорт билан шуғуллансин, компьютерни ўргансин, кўпроқ китоб ўқисин, уларнинг оналари ишли бўлсин, деяптилар. Қишлоғимизда ҳаммаёқ чиройли бўлди. Тўгараклар очилди. Шуларни ўйлаб, шеър ёздим, Юртбошимизга ўқиб бердим.

Катта бўлсам, ундан ҳам яхши шеър ёзаман. Эҳтимол, онам каби чевар ёки отам каби ўқитувчи бўларман.

Шеър ёзиш учун кўп китоб ўқиш кераклигини биламан. Уйимизда кутубхонамиз ҳам бор. Унга давлатимиз раҳбари номидан мамлакатимиздаги олимлар, ёзувчи-шоирлар китоблар совға қилишди. Уларни ўзим ҳам ўқийман, мактабдошларимга ҳам мутолаа қилишга бериб тураман.

Майли, ҳали кўп нарсаларга ақлим етмаслиги ҳақидаги гаплар ростдир, чунки ёш боламан, лекин бир нарсани чуқур ҳис этаман: тезроқ катта бўлишим, юртимизга фойда келтиришим керак.

**Фазилат ЁҚУБОВА,**
**Бўка туманидаги 27-умумтаълим мактабининг 3-синф ўқувчиси.**

## Томирларимизда буюк аждодларимиз қони оқяпти

*Бир фикр менга ҳеч тинчлик бермайди: нега бугунги кунда жаҳон аҳли тан олган улуғ олимларимиз кам? Ахир муқаддас заминимиз асрлар давомида фан ва маърифат ўчоғи, жаҳон цивилизацияси марказларидан бири бўлиб келганку? Илму маърифатга интилиб яшаш халқимиз қон-қонига сингиб кетган.*

**Орзу**

Бунга шубҳа қилмайман. Бироқ тарихимизда шундай даврлар бўлганки, истеъдодлар бўғилган, уларнинг овози икки дарё оралиғидан нарига ўтмаган. Балки шунинг асоратлари ҳали ҳам онгу тафаккуримиздан бутунлай чиқиб кетмагандир...

Бугун халқимизнинг ёшлардан умиди катта. Ҳар томонлама баркамол ўсиб-улғайишимиз, ўз иқтидор ва салоҳиятимизни тўла намоён этишимиз учун кенг имкониятлар яратилмоқда. Энди дунёдаги тенгдошларимиз билан дадил рақобатга киришишимиз, овозимиз жаҳон саҳналарида баралла янграши керак. Бунга, озмикўпми, эришяпмиз ҳам. Жумладан, шу йил 20 — 27 апрель кунлари Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида кимё фанидан ўтказилган 53-халқаро Менделеев олимпиадасида ўзбекистонлик ўқувчилар бир олтин, учта кумуш ва бир бронза — жами бешта медални қўлга киритди. Ўзим олтин медаль олдим. Бу ютуқ мени янги марраларга ундайди. Устозларимиз билан бирга июль ойида Францияда ўтадиган жаҳон олимпиадасида қатнашиш учун қизғин тайёргарлик кўряпмиз. Келгусида соҳада кашфиётлар керак деган фикрдаман. Томиримизда Беруний, Ибн Сино, Ал-Хоразмий сингари буюк аждодларимиз қони оқяпти. Демак, интилсак, албатта, мақсадимизга эришамиз.



**Ислом КАРИМОВ,**
**Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг Юнусобод академик лицейи ўқувчиси.**

## Изланиш ва шижоат завқи

*Ёшлик нафақат гўзаллик, айни чоғда изланиш, интилиш, ғайрат ва шижоат фасли. Бу даврда олган билимимиз, аниқ мақсадни кўзлаб амалга оширган ишларимиз маёқ мисоли келажак ҳаёт йўлларимизни ёритади. Шу боис ўтаётган вақтнинг қадрига етишга, ўқиб-ўрганишга ҳаракат қиляпман.*



**Илм-фан**

Кимё — сеҳрли соҳа. Дунёдаги барча нарса, бутун борлиғимиз кимёвий моддалардан ташкил топган. Кимёвий реакциялар натижасида моддалар ўзгарувчанлиги, янги шакл ва хусусиятлар ҳосил қилиши ҳар қандай кишининг ҳайратини оширади. Бу жараёнлар шунчалик қизиқарлики, унинг ичига шўнғиб кетганингизни билмай қоласиз.

Марказий лабораториямизда асосий калий хом ашёси ҳисобланадиган силвинит рудаси ва ундан ишлаб чиқариладиган калий хлорид таркиби ўрганилади. Шахтадан узатиладиган руда то тайёр маҳсулот ҳолига келгунича 29 та нуқтада намуна олиниб, таҳлил қилинади ва уларнинг натижаларига қараб технологик жараёнларга ўзгартиришлар киритиб борилади. Мисол учун, қайта ишланаётган хом ашёга қанча реагент, аминомаслалар қўшиш кераклиги ушбу жараёнларда аниқ бўлади. Шунингдек, марказий лаборатория қошида инновацион лабораториямиз бор. Унда силвинит рудасидан ишлаб чиқарилаётган калий хлорид чиқиндиси, яъни шламлар таркибини ўрганиб, уларни ҳам қайта ишлаб, янги турдаги маҳсулот тайёрлаш бўйича изланишлар олиб боряпмиз.

Ҳозирги вақтда юртимизда ёшларнинг илм-фан билан шуғулланиши учун барча шароит ва имкониятлар яратилган. Лойиҳалар ишлаб чиқаётган, ўзининг илғор ғояларини ҳаётга татбиқ этаётган ёшлар давлатимиз томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Бу ёшларга юксак парвозлар учун қанот бўляпти. Шу йил 29 май куни Кимё ва фармацевтика саноати ходимлари республика Кенгаши касаба уюшмаси томонидан ташкил этилган "Энг ёш кимёвий таҳлил лаборанти" кўрик-танловида қатнашиб, ғолиб бўлдим. Бизга яратилаётган шароитлар ҳали кўплаб ютуқларимизга асос, бошқача айтганда, бахт қасримизга пойдевор бўлади.

**Юлдуз АБДУРАҲМОНОВА,**
**«Деҳқонобод калий заводи» АЖ марказий лабораторияси кимёвий таҳлил лаборанти.**

## Рағбат катта куч беради

*Ёшлигимда китобга меҳр қўйганим учун Президентимизнинг юксак эътиборига тушаман, деб сира ўйламаган эдим. Давлатимиз раҳбари мендек оддий қизнинг китобхонлигини эътироф этибгина қолмай, ҳатто автомобиль совға қилдилар.*



**Дил сўзи**

Бу Юртбошимизнинг биз, ёшларнинг янада билимли, ақлли, ҳар қандай жабҳада дунё ёшлари билан бўйлаша оладиган юксак тафаккурли бўлиб улғайишимизни нақадар истаётганини кўрсатиб турибди.

Мамлакатимизда китобхонлик тарғиботига катта эътибор қаратилаётгани, ушбу билимлар манбаини ишлаб чиқариш, тарқатиш ва сотиш билан шуғулланадиган тадбиркорлик субъектларига турли солиқ имтиёзлари ва қулайликлар яратиб берилаётгани, янгидан-янги кутубхоналар очилаётгани, илм-фан намояндалари ҳамда ижодкорлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани ҳам буни яққол ифодалайди.

Рағбат ҳамиша инсонга куч берган, қанот берган. Бугун эътибор ва ғамхўрликка муносиб бўлишга ҳаракат қилиб, ҳаётда олдимга қўйган юксак мақсадларим томон дадил интиляпман.

**Маҳлиё ЎРОҚОВА,**
**Самарқанд вилоятининг Пахтачи туманидаги 24-умумтаълим мактаби ўқувчиси, «Ёш китобхон» республика кўрик-танлови ғолиби.**

## Меҳримиз Орол дардига малҳам

*Эр йигит ота-она дуосини олиш, қобил фарзанд бўлиш, одамларга яхшилик қилишга интилади. Зеро, бу саодатга элтади. Бахтга эришишнинг яна бир йўли юрт ишига камарбасталикдир.*



**Фидойилик**

Шу маънода, ўзимни бахтлиман, дея оламан. Сабаби Орол фожиаси оқибатларини бартараф этиш, эртанги фаровон кунларга ҳисса қўшишдек хайрли тадбирларда иштирок этиб келяпман.

Хабарингиз бор, ўтган йилнинг кузидан жорий йилнинг баҳор ойларигача Орол денгизи тубида саксовул экиш ишлари оммавий равишда олиб борилди. Мамлакатимизнинг барча вилоятидан ёрдамчилар қатнашган ушбу халқ ҳаракати натижасида салкам 500 минг гектар ерга саксовул уруғи ва кўчати экилди.

Эътиборли жиҳати, "Меҳр Оролни қутқаради" лойиҳаси доирасида мингдан зиёд қорақалпоғистонлик ёшлар саксовул уруғини йиғиш ишларида фаоллик кўрсатди. Фидойи йигит-қизларнинг мазкур ҳаракати самарасида 2 тоннадан зиёд уруғ терилиб, денгиз ҳудудига экиш учун етказиб берилди. Ушбу хайрли тадбирда қатнашиб, кунига 80 — 90 килограммгача уруғ териб топширдим. Бундан мамнунман.

Қувонарлиси, биз ҳисса қўшган саксовул уруғлари бугун баравж ўсмоқда. Улар тез орада бўй чўзиб, тузли чанглларнинг йўлини тўсади. Кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилаётган шаҳар ва қишлоқларимизга қум бўронлари ёпирилмайди. Буни ҳис қилишнинг ўзи бахт!

Оилада тўрт фарзандмиз. Ота-онамнинг тўнғичиман. Бу йил Нукус юридик коллежини битирдим. Айни пайтда институт талабаси бўлиш орзусида тайёргарлик кўряпман. Ўқишга кириб, астойдил билим оламан. Келажакда яхши мутахассис бўлиб етишмоқчиман.

**Саломат УТЕГЕНОВ,**
**коллеж битирувчиси.**
Мўйноқ тумани

## Ниятим — гўзал, йўлим — ойдин

*Тупроғимизнинг ҳар қаричи зар. Қазиб олиб, машаққатли меҳнат эвазига уни қуйма ёмбига айлантираётган инсонларнинг қўли ҳам олтин, менимча.*

*Ҳар бир инсон ўз тақдирининг бунёдкоридир. Яратган пешонамизга ёзган қисматни ўз меҳнатимиз, интилишимиз билан ҳаётий ҳақиқатга айлантирамиз, деб ҳисоблайман.*



**Сурур**

2012 йилда Навоий давлат кончилик институтини тамомлаб, Навоий кон-металлургия комбинатининг Марказий кон бошқармасига ишга кирдим. Бугун ўзим ёқтирган касбим билан банд эканлигимдан жуда бахтиёрман.

Жамоамизда шижоатли, ўз касбига меҳр қўйган ёшлар борлиги учун ишда унум, натижа бўляпти. Муҳандис-техник ходимларнинг ўртача ёши 42 да, ишчиларники эса 30 ни ташкил этаётгани ишлаб чиқаришнинг мураккаб технологик жараёнларини бошқариш ёшларга ишониб топширилаётганидан дарак беради.

Баландлиги икки қаватли уйга тенг экскаваторда ойига 350 минг куб метр, бир йилда қарийб 900 минг тонна маъданни автосамосвалларга юклайман. Улар қайта ишланиб, юртимиз бойлигига бойлик бўлиб қўшилади. Вазнимдан неча минг бор оғир техникани шу қўлларим бошқаради. Шу боис дўстларимга ҳазиллашиб, "Қўлим олтин", дейман. Бахтимни ўзим севган иш билан шуғулланаётганимда деб биламан. Зеро, нияти гўзал инсоннинг йўли ойдин бўлиши, шубҳасиз.

**Равшан КАМОЛОВ,**
**Навоий кон-металлургия комбинати Марказий кон бошқармаси «Ауминзо-Амантой» олтин руда кони участка бошлиғи ўринбосари.**

## Юрт тараққиётига ҳисса қўшаётганимдан мамнунман

*Тадбиркорлик муҳитида униб-ўсганим туфайли Термиздаги банк коллежини тамомлаб, дастлаб, савдо-тижорат билан шуғулландим. Бу йил эса ишлаб чиқаришга доир ўз бизнес лойиҳам билан Ёшлар иттифоқининг Сурхондарё вилояти кенгашига мурожаат қилдим.*



**Шукуҳ**

Президентимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган "Yoshlar — kelajagimiz" Давлат дастури тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишимга туртки бўлди. Банкдан 400 миллион сўм имтиёзли кредит олиб, нон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхона очдим. Ўзим сингари 10 нафар йигит-қизнинг бандлигини таъминладим. Ҳозирги кунда маҳсулотларимиз ички бозорда пешма-пеш савдога чиқариляпти. Келгусида тадбиркорлик фаолиятимни янада кенгайтириб, янги турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва уни экспорт қилиш ниятидаман.

Бугун ишлайман, меҳнат қиламан, ўз имкониятларимни рўёбга чиқараман, деган ёшлар учун улкан имкониятлар эшиги очиқ.

Дарвоқе, агар ёшларни жамиятни ҳаракатлантирувчи куч, таъбир жоиз бўлса, "тоза ҳаво"га қиёсласак, эртамиз бугундан-да фаровон бўлишига ишончимиз ортади. Зотан, юртимиз ёшларига кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик қалби орзу-умидларга лиммо-лим миллионлаб йигит-қизларни ниҳоятда руҳлантиряпти. Дунё билан бўйлашишга, куч-қудрати ва салоҳиятини Ватан равнақига сарф этишга тайёр ёшлар қатлами тобора кенгаймоқда. Бу ўз олдига қўйган аниқ мақсади, ташаббуси бор янги авлод ҳаётга кириб келяпти, дегани.

**Шарофиддин ЎРАЛОВ,**
**ёш тадбиркор.**
Сурхондарё

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 756. 51 841 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Д. Улуғмуродов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.05 Топширилди — 23.30 1 2 3 4 5 6